



THE ROLE OF MEDICAL PERSONNEL IN THE REFORM OF THE HEALTH CARE SYSTEM IN UZBEKISTAN

Shahlo Ubaydullaeva Abdullaevna¹

¹ QarDU independent researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4769634>

ARTICLE INFO

Received: 5th May 2021
Accepted: 10th May 2021
Online: 15th May 2021

KEY WORDS

educational institutions in the direction of medicine, social-household living conditions, scientific schools and research institutions in the direction of Medicine, feldsher-obstetrics punkts.

ABSTRACT

In the following years, serious reforms have been carried out in the field of health care in Uzbekistan, although many measures have been taken to provide specialized medical services, protection of motherhood and childhood, provision of the population with medicines, perfection of physically energetic and spiritually healthy generation, but there are many problems waiting for their solution in this area. Problems such as the weakness of the material and technical base of medical institutions, the lack of establishment of ambulance facilities and pharmacies necessary in rural family polyclinics, the lack of personnel, the lack of diagnostics and the low qualification of doctors, the fact that patients are being treated for large sums in foreign countries, the presence of obstacles to the work of entrepreneurs.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШДА ТИББИЙ КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ

Шахло Убайдуллаева Абдуллаевна¹

¹ ҚарДУ мустақил изланувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 5-May 2021
Ma'qullandi: 10-May 2021
Chop etildi: 15-May 2021

KALIT SO'ZLAR

тиббиёт йўналишидаги
ўқув муассасалари,
ижтимоий-маиший
турмуш шароитлари,
тиббиёт йўналишидаги
илмий мактаблар ва илмий-
тадқиқот муассасалар,
фельдшер-акушерлик
пунктлари.

ANNOTATSIYA

Ўзбекистонда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида жиддий ислохотлар амалга оширилиб, ихтисослашган тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш борасида кўпгина тадбирлар олиб борилган бўлсада, аммо бу соҳада ўз ечимини қутаётган муаммолар жуда кўп. Тиббиёт муассасалари моддий-техника базаси заифлиги, қишлоқ оилавий поликлиникаларида зарур бўлган тез тиббий ёрдам шаҳобчалари ва дорихоналари ташкил этилмаганлиги, кадрлар этишмовчилиги, диагностика ва врачлар малакасининг пастлиги туфайли беморлар хорижий давлатларда катта маблағ эвазига даволанаётганлиги, хусусий тиббиёт тизимини



ривожлантиришида тадбиркорлар ишига тўсиқларнинг мавжудлиги, аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжининг 74 фоизи импорт ҳисобига қондирилиши каби муаммолар шулар жумласидандир.

Кириш (Introduction).

Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати муайян давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида муайян дастурлар ишлаб чиқилиб, ислохотлар жадаллик билан олиб борилди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги (1996) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 –сонли “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863 сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956 сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари соҳада жиддий ислохотлар учун асос бўлмоқда.

Жаҳонда экологиянинг ёмонлашуви, иқлим ўзгариши, халқаро эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви соғлиқни сақлаш ишига катта эътибор беришни талаб қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)¹ томонидан Ер юзининг турли ҳудудларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш,

ҳукуматлар билан соғлиқни сақлаш дастурини ишлаб чиқиш ва кучайтириш, эпидемияларга қарши кураш юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Жамият ва давлат тараққиёти кўп жиҳатдан соҳаларда фаолият кўрсатаётган кадрларга боғлиқ бўлиб, улар муайян соҳасининг асосий таянч нуқталаридан биридир. Жумладан, ижтимоий ҳаётда тиббиёт кадрлари муҳим ўрин эгаллаб, улар зиммасига инсонлар саломатлигини сақлаш, касалланиб қолганларни даволашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юкланади.

Ўзбекистонда олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари тайёрлаш, даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар олиб борилиб, улар сони йилдан-йилга кўпайтирилди.

-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Соғлиқни сақлаш соҳасини йўлга қўйиш ва унинг турли йўналишлари доирасида олиб борилаётган тадқиқотлар мазмуни ва тарихини ўрганиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University School of Medicine (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Warren Alpert Medical School of Brown University (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), The Institute for Asian and African Studies of Humboldt University (Германия), Department of Central Eurasian studies, Indiana University, Bloomington

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1948 йили 7 апрелда ташкил этилиб, штаб-квартираси Швейцарияда. Ташкилот дунё аҳолиси соғлиғини сақлаш муаммоларини ечиш, соҳани ривожлантириш ва илғор тажрибаларни тарғиб этиш бўйича ишларни амалга оширади. Қаранг: [http:// ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org).



(АҚШ), Open University Press (АҚШ) Институт истории РАН (Россия), Тарих институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш ишини такомиллаштириш ва унинг турли йўналишлари доирасида олиб борилаётган тадқиқотларда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: даволаш-диагностика жараёнида замонавий усуллар (лазер, литотрипсия, мезотерапия, кимёвий-механик усул); комплекс ижтимоий-гигиеник назоратлар асосида пародонт касалликлари профилактикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Stanford University School of Medicine(АҚШ), (The Institute for Asian and African Studies of Humboldt University, Германия); жаҳон соғлиқни сақлаш тизими интеграциялашуви тажрибасидан минтақа соғлиқни сақлаш соҳасини йўлга қўйишда фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган (Warren Alpert Medical School of Brown University(АҚШ), (The School of Oriental and African Studies (SOAS), (University of Cambridge, (Буюк Британия); болаларни сил, полиомиелит, қизамиқ каби касалликларга қарши эмлаш, ОИТС профилактикаси ва унга қарши кураш тажрибасидан ҳозирги замон шароитида фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган (Duke University School of Medicine (АҚШ), (Institute for European, Russian and Eurasian studies (IERES), АҚШ); тиббий кадрлар тайёрлаш ишини таълим тизими ислохатлари механизмларини такомиллаштириш орқали яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга татбиғи асосланган (Harvard Medical School (АҚШ), (European Advisory Committee on Health Research, EACHR, Германия), совет атеистик сиёсатининг Марказий Осиё халқлари ҳаётига салбий таъсири, хусусан,

халқ тиббиётига нисбатан чеклашлар илмий асосланган (Austrian Academy of Sciences Institute of Iranian Studies Австрия).

Дунёда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: даволашнинг замонавий усуллари, яъни лазер терапияси, дистанцияли зарба тўлқинли литотрипсия, мезотерапия (сочни қалинлаштириш), кимёвий-механик усул (тиш кариесида қўлланилади); сил касаллигини даволаш усуллари такомиллаштириш; соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитида юрак касаллиги профилактикаси; ОИТС ва унга қарши кураш; маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқариш; тиббий-ижтимоий реабилитациясини биргаликда олиб бориш; озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш; оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишини яхшилаш орқали оналар ва болалар ўлимини камайтириш.

-Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси тарихшунослиги дастлаб XX асрнинг 50-йилларига келиб яратилган тадқиқотларда таҳлил этилди ва муаммонинг ўрганишни ғоявий асослари қандай бўлиши кераклиги белгилаб берилди. Бу даврда Иттифок республикаларининг барчасида соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш ва тиббиёт тарихи илмий-тадқиқот институтлари фаолияти йўлга қўйилди. Илмий муассасаларда соғлиқни сақлаш соҳаси тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар зиммасига марксизм-ленинизм ғоялари асосида Иттифокда тиббий қарашлар тарихини ўрганиш;



соғлиқни сақлаш соҳаси тарихининг назарий ва амалий ишларини танқидий ўрганиш ва умумлаштириш; тиббий-тарихий тадқиқотларнинг ўрганиш усулларини мукамаллаштириш каби вазифалар юкланди². Тошкентда ҳам шу турдаги илмий муассаса фаолият юритиб, унинг илмий ходимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилди ва натижалари тўпламлар шаклида нашр этилди³.

Мустақиллик йилларида тарихшунослик фанининг вазифалари ва моҳияти тубдан ўзгариб, замон талабларига мувофиқ такомиллашиб борди.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳанинг кўп жиҳатлари муаммовий тарихшунослик доирасида тадқиқ этила бошланди⁴.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тарихшунослигига оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тадқиқот мавзуси ўз мазмунига кўра яхлит, кўп қиррали ва мураккаб илмий муаммони ўзида мужассам этган, тарихий билимлар динамикасини ўзида акс эттирган комплекс иш ҳисобланади.

-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган сиёсатнинг моҳияти, тармоқларида амалга оширилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари,

² Вопросы истории медицины. – М.: Медицина, 1958. – С. 38; Вопросы истории медицины. История медицины в СССР. – М.: Медицина, 1959; Очерки историографии советского здравоохранения (Под ред. Барсукова М.И.). – М., 1965

³ Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – Ташкент, 1964;

⁴ Агзамходжаев С.А. Институт и его задачи // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – С. 5–94; Сагатов Р.С.

тиббий кадрларини тайёрлаш ва даволаш муассасаларини мутахассислар билан таъминлаш каби масалалар ташкил қилади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ ҳужжатларни тайёрлаш, тасдиқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

соғлиқни сақлаш ишини янада такомиллаштириш, хусусан, соҳани молиялаштиришга турли структураларни жалб этиш, бошқа давлатлар билан ҳамкорликда даволаш муассасалари ташкил этишни кенг йўлга қўйиш, тиббий кадрлари тайёрлашда фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, соҳа тарихи ва ҳозирги кундаги аҳволига доир сўровномалар ўтказиш ва натижаларга қараб, уларнинг ташкил этилишига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, тиббий кадрлар тайёрлашга оид назарий хулосалар ҳамда услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамиятнинг маданий-маърифий ривожланиши, миллий кадриятлар, ўзбек давлатчилиқ тарихини тадқиқ этишга қаратилган давлат дастурларининг бажарилишига, шунингдек, соғлиқни сақлаш ишини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, назарий-амалий асосларини яратиш ҳамда таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи фани бўйича янги ўқув курсларида фойдаланишга хизмат қилиши билан асосланади.

XX аср 40-йилларининг иккинчи ярмида маҳаллий аҳоли ҳаётига дунёвий



тиббий ёрдам жадаллик билан кириб келаётган йилларда, Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш иши ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган фидойи инсон, врач Р. К. Қосимова ўз хотираларида шундай ёзади: “Бу йилларда вилоятда мутахассислар жуда кам эди. Вақти келиб ҳам педиатр, ҳам терапевт, ҳам эпидемиолог бўлиб экспедицияларда иштирок этишга тўғри келди. Аҳолининг санитария маданиятини кўтариш, беморларни касалхоналарга ётқизиш, эпидемия ўчоқларни тугатиш, ФАПларни ташкил этиш каби муҳим муаммоларни ҳал этиш зарур эди”⁵.

Тиббий хизмат ходимлари айниқса қишлоқларда эпидемияларни тугатиш, эмлашлар ўтказиш жараёнида барча қийинчиликларга бардош бериб, ўз хизмат бурчларини адо этдилар. Бу ҳақда кўп йиллар Қарши шаҳар шифохонасида санитарка, кейинчалик ҳамшира бўлиб хизмат қилган А. Р. Чулкова куйидагиларни баён қилади: “Қишлоқ аҳолисини эмлашда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Биз яқинлашимиз билан кишилар эшикларини қаттиқ ёпиб, уйга киришимизга йўл қўйишмасди. Эмлашдан бош тортиб, берган дориларимизни улоқтириб юбордилар”⁶. Бу даврларда аҳолининг санитария маданияти жуда паст бўлиб, улар тиббий хизмат ходимлари қўлида даволанишни худога шак келтириш, деб ҳисобладилар. Йиллар ўтиб ҳаёт ҳам ўзгарди, аҳолининг санитария маданияти ҳам ўсиб борди ва

⁵ Основные направления научных исследований по организации здравоохранения и истории медицины в Узбекистане // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – С. 10–16;

⁶ Вопросы организации здравоохранения и истории медицины. – Ташкент, 1968;

уларнинг ўзлари келиб врачларга муружаат қиладиган бўлди.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тиббий хизмат анча яхшиланиб, мутахассис терапевтлар, фтизиатрлар, педиатрлар, акушер-гинекологлар, психиатрлар, окулистлар, кардиологлар, жарроҳлар аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон вилоятларида терапия хизмати кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлди. Илғор терапевтлар замонавий тиббиёт усулларида кенг фойдаланиб, мазкур соҳани ривожлантиришга ўзларининг бор куч ва ғайратларини сарфладилар.

-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Ўзбекистонда даволаш муассасаларини тиббий кадрлар билан таъминлаш, тиббиётнинг турли ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш, тиббиёт кадрлари малакасини ошириш юзасидан қатор амалий ишлар бажарилиб, кўплаб ютуқлар қўлга киритилса-да, аммо бу борадаги кўрсаткичлар Иттифоқдош республикалар билан таққосий таҳлил этилганда, ўртада катта тафовут мавжудлиги ва вилоятлари даволаш муассасалари тиббиёт кадрлари билан таъминлаш даражаси марказий ҳудудларга нисбатан бир неча марта орқадалиги аниқланди. Ўзбекистон даволаш муассасаларининг аксарияти олий маълумотли тиббиёт кадрлари билан таъминланмаганлиги туфайли беморларни ўрта тиббиёт ходимлари қабул қилди. Бундан ташқари тиббиётнинг турли ихтисосликлари бўйича, яъни педиатрия, акушер-гинекология, фтизиатр, венерология йўналиши мутахассислари танқислиги сабабли тери-таносил касалликларини акушер-гинеколог, сил касалларини венеролог қабул қилиш ҳолатлари учраб турди.



Тиббиёт кадрларининг баъзиларида касб маҳоратининг етишмаслиги, билим ва тажрибалари замон талабларига мувофиқ эмаслиги, ўз вазифаларига масъулиятсизлик ва совуққонлик билан ёндашганликлари, улар ўртасида

порахўрлик ва таъмагарликнинг авж олиши даволаш иши сифатига салбий таъсир кўрсатиб, бу ҳолат беморларнинг кўплаб арз хатлари ва шикоятларига сабаб бўлди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1948 йили 7 апрелда ташкил этилиб, штаб-квартираси Швейцарияда. Ташкилот дунё аҳолиси соғлиғини сақлаш муаммоларини ечиш, соҳани ривожлантириш ва илғор тажрибаларни тарғиб этиш бўйича ишларни амалга оширади. Қаранг: [http// ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org).
2. Вопросы истории медицины. – М.: Медицина, 1958. – С. 38; Вопросы истории медицины. История медицины в СССР. – М.: Медицина, 1959; Очерки историографии советского здравоохранения (Под ред. Барсукова М.И.). – М., 1965
3. Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – Ташкент, 1964;
4. Агзамходжаев С.А. Институт и его задачи // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – С. 5–94; Сагатов Р.С.
5. Основные направления научных исследований по организации здравоохранения и истории медицины в Узбекистане // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – С. 10–16;
6. Вопросы организации здравоохранения и истории медицины. – Ташкент, 1968;
7. Вафакулов Б. Здравоохранение Кашкадарьинской области за 50 лет.– С. 38.